

Тиб, фикҳ ва ҳилм



08:00 / 04.01.2020 3693

Абдуссомад ибн Муаққал Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ҳаммажлисларидан бирига: «Мен сенга табиблар билмайдиган тиб, фақиҳлар билмайдиган фикҳ ва ҳалимлар англамаган ҳилмни ўргатайми?» деди. Шериги: «Ҳа, ўргатинг, эй Абу Абдуллоҳ», деди. Ваҳб ибн Мунаббаҳ деди: «Табиблар билмайдиган тиб шуки, таомнинг аввалида Аллоҳ номини айтмасдан, охирида эса Унга ҳамд айтмасдан емагин. Фақиҳлар билмайдиган фикҳ шуки, биладиган нарсанг ҳақида сўрашса, ўзингдаги илм билан жавоб бергин, билмасанг «Билмайман», деб айтгин. Ҳалимлар билмайдиган ҳилм эса кўп сукут қилиш ва сўралган пайтдагина жавоб беришдир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан